



ЎЗБЕКИСТОН ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ БИЛАН АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ТАРАФДОРИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни Санкт-Петербург шаҳрида Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида кузатувчи давлат раҳбари мақомида иштирок этди.



Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко раислигида ўтган учрашувда Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳам қатнашди. ЕОИИ қузатувчи давлатлари раҳбарлари — Куба Республикаси Президенти Мигель Диас-Канель ва Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён иштирокчиларга видеомурожаат йўллади. Таклиф қилинган давлат вакили сифатида тадбирда Индонезия Республикаси савдо вазири Буди Сантосо иштирок этди.

Кун тартибидан кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, саноат кооперацияси лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, транспортни ривожлантириш ва ўзаро ҳамкорлигини устувор йўналишларида кўшма дастурларни амалга ошириш масалалари ўрин олди.

Ўзбекистон Президенти нутқининг авалида ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш мамлакатимиз ташқи иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлади.

Кейинги тўрт йилда кузатувчи давлат мақомидаги ҳамкорлик даврида Ўзбекистоннинг иттифоқ мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми қарийб икки бараварга ошди ва 20 миллиард долларга яқинлашди.

Савдо, саноат, молия тизими, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда 40 га яқин чора-тадбирларни ўз ичига олган Евроосиё иқтисодий комиссияси билан 2026 йилгача ҳамкорлик режаси тизимли равишда амалга оширилмоқда. Келгуси йилда кўшма Ишчи гуруҳининг бешинчи йиғилишини Тошкентда ўтказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон савдо ва юк ташишни рақамлаштириш, электрон тижоратни жорий этиш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳаларида ЕОИИнинг бир қатор тармок дастурларида фаол иштирок этмоқда.

Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг бу галги йиғилиши доирасида Ўзбекистон ва ЕОИИ ўртасида божхона чегаралари орқали ўтказилаётган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотни алмашиш тўғрисида битим тузиш юзасидан музокараларни бошлаш қарори қабул қилинди.

— Ишончимиз комил, чегараларро маълумотлар алмашинуви божхона назорати самарадорлигини оширишга,

кечикишларни камайтиришга ва транспорт тизимларимизни Евроосиё йўлакларига интеграция қилишга хизмат қилади, — дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Президенти Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини устувор йўналишларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ўзаро товар айирбошлашда савдо тўсиқларини босқичма-босқич бартараф этиш муҳимлигини таъкидлади. Техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария ва фитосанитария стандартларига ёндашувларни уйғунлаштириш учун МДҲ ва ЕОИИ институтлари фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шу маънода, Ўзбекистон етакчиси ортқча тартиб-таомилларни бартараф этиш ва талабларни бирхиллаштириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклифини билдирди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, сертификатлаштириш ва божхона маъмуриятидаги тафовутлар билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал этиш учун тариф ва нотариф тўсиқлар бўйича “Ўзбекистон — ЕОИИ” қўшма Мувофиқлаштирувчи гуруҳини ташкил этиш таклифи илгари сурилди.



Саноат соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида мамлакатимиз раҳбари машинасозлик, энергетика, агро-саноат мажмуи, кимё ва бошқа соҳалардаги лойиҳалар рўйхатини биргаликда тузишни таклиф қилди.

Ўзбекистоннинг Евроосиё тараққиёт банкига қўшилиши муносабати билан ҳамкорлигининг стратегик йўналишларини биргаликда белгилаш ҳамда устувор инфратузилмавий ва “яшил” лойиҳаларни, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни қамраб олган “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ташаббуси билдирди.

Рақамли технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон Президенти божхона маъмуричилигини рақамлаштириш ва юк ташишда “узлуксиз” моделга ўтиш масалалари устувор вазифа эканлигини қайд этди.

— Рақамли платформаларни, жумладан, электрон савдо ва рақамли маркировкани уйғунлаштириш бўйича “йўл харитаси”ни ЕОИК билан биргаликда тайёрлашни таклиф этамиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон ЕОИИнинг, энг аввало, биотиббейт, янги материаллар, агротехнологиялар, энергетика ва робототехника йўналишларидаги технологиялар платформаларига қўшилишдан манфаатдор.

Туризм алмашинуви рағбатлантириш ва туристик маҳсулотларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон туризм соҳасида интеграциялашган ахборот ресурсларини шакллантириш ишларига қўшилишга ҳам тайёрлигини билдирди.

Яқунда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан кенг қамровли ва ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтиришга қатъий интилишини яна бир бор тасдиқлади.

Россия Федерациясига амалий ташриф доирасида Н.А.Римский-Корсаков номидаги Санкт-Петербург давлат консерваториясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонга Лев Толстой номидаги Халқаро тинчлик мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин хузурида халқаро мукофотини унинг ҳайъати раиси, Маринский театри бадий раҳбари ва бош директори, Россия Катта театри бош директори, дирижер Валерий Гергиев топширди.

Уч мамлакат етакчилари ушбу нуфузли мукофотга Марказий Осиё минтақасида

тинчлик ва хавфсизликни мустақамлашга қўшган улкан шахсий ҳиссаси учун сазовор бўлдилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарориди таъкидланганидек, 2025 йил 31 март куни Хўжанд шаҳрида учта давлат раҳбарлари Давлат чегараларининг туташган нуқтаси тўғрисидаги шартнома ва Абдий дўстлик тўғрисидаги Хўжанд декларациясини имзоладилар ва шу билан халқаро ҳуқуқ устуворлигига асосланган умумий ва баробар хавфсизликни таъминлаш, халқлар ўртасида ўзаро англашув ҳамда ҳамкорликни мустақамлашга катта ҳисса қўшдилар.

Ушбу мукофот инсонпарварлик ғояларига садоқатни ифodalаш ва Марказий Осиёни тинчлик, фаровонлик ҳамда бунёдкорлик маконига айлантириш йўлидаги умумий ҳиссанинг эътирофи экани таъкидланди. Биродар Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очилиши уч мамлакат халқларининг сиёсий иродаси, ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка интилиши туфайли бўлгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Авваламбор, Россия Федерацияси Президенти хурматли Владимир Владимирович Путинга меҳмондўстлик ва бугунги учрашувимизни аъло даражада ташкил этгани учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Беларусь томонининг, Беларусь Республикаси Президенти Александр Григорьевич Лукашенконинг Евроосиё иқтисодий иттифоқида самарали раислигини алоҳида қайд этмоқчиман. Бу даврда кўп томонлама амалий ҳамкорлик янги суръат касб этди.

Глобал бозорларнинг тобора парчаланиб бораётгани, логистика занжирларининг мураккаблашганлиги ва инвестиция ресурсларини тақсимлашда устувор йўналишларнинг ўзгараётгани шароитида биз учун стратегик ва табиий шерикларимиз бўлган Евроосиё иқтисодий иттифоқи мамлакатлари билан прагматик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш принципиал аҳамият касб этмоқда.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари! Кузатувчи давлат мақомидаги ҳамкорлигининг сўнгги тўрт йилида Ўзбекистоннинг ЕОИИ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси қарийб икки баробар ошди.

Иқтисодий алоқалар таркибида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улуши ортиб бораётгани, кооперация лойиҳалари кенгайиб бораётгани барқарор суръат кўрсатаётгани айниқса муҳимдир.

Бу ҳамкорларимиз ишлаб чиқариш занжирларини мустақамлашдан чинакам манфаатдорлигини акс эттиради.

Ўзбекистон Евроосиёнинг асосий форматларида фаол иштирок этмоқда.

Евроосиё иқтисодий комиссияси билан савдо, саноат, молия, аграр саноат ва транспорт соҳаларида 40 га яқин аниқ тадбирларни ўз ичига олган уч йиллик режа амалга оширилмоқда.

Кўшма Ишчи гуруҳ форматидида ишлар давом этмоқда: унинг бешинчи йиғилишини келгуси йилда Тошкент шаҳрида ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

Шунингдек, ЕОИИнинг электрон савдони ривожлантириш, юк ташишни рақамлаштириш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича тармок дастурларида иштирок этмоқдамиз.

Ўзбекистон ва ЕОИИ божхона чегаралари орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисида ахборот алмашиш борасида битим тузиш бўйича музокараларни бошлаш ҳақидаги қарор қабул қилинганлини олқишлаймиз.

Ишончимиз комилки, трансчегаравий маълумотлар алмашинуви божхона назорати самарадорлигини ошириш, кечикишларни камайтириш ва транспорт тизимларимизнинг Евроосиё йўлакларига интеграциялашга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Евроосиё тараққиёт банкига қўшилиши ҳамкорлигини мустақамлашда муҳим босқич бўлди. Банк билан биргаликда инфратузилма, энергетика, металлургия, кимё ва бошқа тармокларда истиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Хурматли ҳамкасблар! ЕОИИ билан ҳамкорликни кенгайтириш

борасидаги устувор йўналишларимизни қисқача айтиб ўтмоқчиман.

Биринчи. Савдо тўсиқларини босқичма-босқич бартараф этиш асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария ва фитосанитария меъёрлари борасидаги ёндашувларни яқинлаштириш мақсадида МДҲ ва ЕОИИ институтлари ўртасидаги мувофиқлаштиришни фаоллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ортқча тартиб-таомилларни бартараф этиш ва талабларни бирхиллаштириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, сертификатлаш ва божхона маъмуриятидаги тафовутлар билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал этиш мақсадида тариф ва нотариф тўсиқлар бўйича “Ўзбекистон — ЕОИИ” қўшма Мувофиқлаштирувчи гуруҳини тузишни таклиф этамиз.

Иккинчи. Саноат кооперациясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Машинасозлик, энергетика, агро-саноат мажмуи, кимё ва бошқа тармоклардаги лойиҳалар рўйхатини биргаликда шакллантириш зарур.

Ўзбекистоннинг ЕТТБга қўшилиши муносабати билан шерикликнинг стратегик йўналишларини биргаликда белгилаб олиш ҳамда устувор инфратузилмавий ва “яшил” лойиҳаларни, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни қамраб олган “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ишончимиз комилки, Банк нафақат молиялаштириш манбаи, балки интеграция лойиҳаларига инвестицияларни жалб қилиш катализаторига айланиши мумкин.

Учинчи. Рақамли технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш ниятидамиз. Рақамли платформаларни, жумладан, электрон тижорат ва рақамли маркировкаларни ўзаро боғлаш бўйича ЕОИК билан “йўл харитаси”ни тайёрлашни таклиф этамиз. Божхона маъмуриятидаги рақамлаштириш ва юк ташишнинг “чоксиз” моделига ўтишни ҳам устувор вазифа сифатида кўраёмиз.

Тўртинчи. Биз ЕОИИнинг биотиббейт, янги материаллар, агротехнологиялар, энергетика ва робототехника каби йўналишларни қамраб олувчи технологик платформаларига қўшилишдан манфаатдоримиз.

Бешинчи. Туризм соҳасида интеграциялашган ахборот ресурсларини шакллантиришга ҳам қўшилишга тайёрмиз. Бундай ёндашув мамлакатларимиз туристик маҳсулотларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш имконини беради.

Хурматли дўстлар! Ўзбекистон ЕОИИ билан амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдоридир.

Фурсатдан фойдаланиб, Қозоғистон Республикаси Президенти хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга Бирлашма раислик Қозоғистонга ўтиши муносабати билан муваффақиятлар тилайман.

Барчангизни ва биродар халқларимизни кириб келаётган Янги йил билан яна бир бор самимий табриклаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилайман. Эътиборингиз учун раҳмат.



Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
Олий Мажлис Сенатининг халқаро муносабатлар,
ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва
туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Япония жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган, илгор технологик ривожланишга эга давлатлардан. Юқори иқтисодий кудрати, инновацион салоҳияти ҳамда ташқи сиёсатдаги барқарор ва прагматик ёндашуви мамлакатни халқаро муносабатлар тизимида таъсирчан субъект сифатида намоён этмоқда. Қолаверса, тинчликпарвар ҳамда барқарорлик ва тараққиётни қўллаб-қувватлашга қаратилган ташқи сиёсат юритувчи давлат сифатида эътироф этилган.

Куняқар давлат БМТ, “Катта ет-тилик” (G7), Жаҳон савдо ташкилоти, Осиё тараққиёт банки каби тузилма-ларда фаол иштирок этади. Унинг таш-қи сиёсати халқаро ҳуқуқ нормалари-га қатъий амал қилиш, можароларни дипломатик йўл билан ҳал этиш ҳамда иқтисодий ҳамкорлик орқали барқарор ривожланишни рағбатлантиришга қа-ратилган. Осиё — Тинч океани мин-тақасида Япония хавфсизлик, савдо ва инвестиция жараёнларида муҳим ўрин тутиб, АҚШ, Европа Иттифоқи, Жану-бий Корея ва бошқа Осиё давлатлари билан стратегик шериклик муносаба-тларини йўлга қўйган. Шу билан бир-га, Марказий Осиё билан алоқаларни

кенгайтириш мамлакат ташқи сиёса-тининг истиқболли йўналишларидан бирига айлиниб бормоқда. Япония жаҳондаги энг йирик иқтисо-диётлардан бири бўлиб, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқа-ришга ихтисослашган. Мамлакат иқти-содиёти саноат, машинасозлик, электрo-ника, робототехника, автомобилсозлик, кимё ва энергетика соҳаларига таянади. Унинг компаниялари дунё бозорига си-фат, ишончилик ва инновация рамиз сифатида кенг тан олинган. Илмий тад-қиқотлар, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, “яшил” энергетика ҳамда экологик тоза ишлаб чиқариш соҳалари-даги етакчилиги Япониянинг барқарор иқ-тисодий ривожланишини таъминлаётган муҳим омиллардан. Давлат томонидан инновацияларни қўллаб-қувватлаш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий интеграция мамлакат иқтисодий барқа-рорлигининг асосий таъинчидир.

Ўзбекистон ва Япония ўртасида дип-ломатик муносабатлар 1992 йилда ўр-натилган бўлиб, шу даврдан буён икки мамлакат ўртасидаги алоқалар изчил равишда ривожланиб келмоқда. Икки то-монлама муносабатлар сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, инвести-циялар, таълим, соғлиқни сақлаш ва инф-ратузилмани ривожлантириш соҳалари-ни қамраб олган ҳолда кенгайиб борди. Кунчаикда давлат томонидан кўрсатилаёт-ган расмий тараққиёт ёрдами доирасида Ўзбекистонда қатор йирик ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар амалга оширилди. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳати-дан янги, мазмунан эса янада чуқур-лашган босқичга кўтарилди. Бу жараён, аввало, юртимиздаги кенг қамровли ислохотлар, очик ташқи сиёсат ва ин-вестиция муҳитини либераллаштириш сиёсати билан узвий боғлиқ, Япония

ушбу ислохотларни изчил қўллаб-қувва-тириш ишларида Марказий Осиёдаги ишончли ва истиқболли стратегик шерик сифатида кўрмоқда. Икки мамлакат ўртасида олий ва юқо-ри даражадаги ўзаро таширлар сўнг-ги йилларда мунтазам тус олди. Давлат раҳбарлари даражасида эришилган кели-шувлар сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш билан бирга амалий ҳамкорлик учун аниқ “йўл хариталари”ни белгилаб берди. Сиё-сий ишонч ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатлар иқтисодий ҳамда гумани-тар соҳалардаги қўшма лойиҳалар сони-нинг ортishiга хизмат қилмоқда. Иқтисодий ҳамкорликда Япония томо-нининг имтиёзли кредитлари, грантлари ва молиявий кўмаги муҳим ўрин тутди. Ушбу маблағлар энергетика, транспорт инфратузилмаси, сув ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш ва шаҳарсозлик соҳаларида йирик лойиҳаларни амалга оширишга йўнал-тирилмоқда. Айниқса, энергия самара-дорлигини ошириш, электр энергетикаси тизимини модернизация қилиш ҳамда му-қобил энергия манбаларини жорий этиш соҳаларидаги ҳамкорлик стратегик аҳа-мият касб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, “Марказий Осиё+Япония” мулоқоти доирасида ўтказилган давлат раҳбарлари даража-сидаги саммит минтақа ва Япония ўр-тасидаги ҳамкорлик муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўта-ришга хизмат қилади. Ушбу саммитда Президентимиз илгари сурган таклиф ва ташаббуслар ҳамкорлиқни узоқ муддат-ли, тизимли ва натижага йўналтирилган шаклда ривожлантиришга қаратилган. Айниқса, 2040 йилга қадар мўлжаллан-ган ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш гоиси Марказий Осиё ва Япония ўртасидаги муносабатларни стратегик режалаштириш асосида олиб бориш им-конини яратди.

Саммитларни давлат раҳбарлари да-ражасида мунтазам ўтказиш ташаббуси мазкур форматнинг сиёсий нуфузини ошириш, қабул қилинаётган қарорлар ижросини таъминлаш ва ўзаро ишонччи мустаҳкамлашга хизмат қилади. Навбат-даги саммитлардан бирини қабул қилиш-га тайёр эканини билдириш Ўзбекис-тоннинг минтақавий ҳамкорликда фаол ва ташаббускор субъект сифатидаги ўр-нини янада мустаҳкамлади. Экспертлар форумини таъсис этиш таклифи эса қа-рорлар қабул қилиш жараёнини илмий таҳлилий асослар билан бойитиб, янги гоя ва амалий механизмларни ишлаб чи-қишда муҳим ўрин тутди.

Иқтисодий йўналишда илгари су-рилган ташаббуслар алоҳида стратегик аҳамиятга эга. Марказий Осиё инфрату-зилмаси ва саноатни ривожлантириш инвестиция жамғармасини ташкил этиш, “Сифатли инфратузилма” дастурини

йўлга қўйиш ҳамда Япония технопарк-ларининг минтақавий тармоғини барпо этиш гоялари минтақа иқтисодиётини модернизация қилиш, саноат коопе-рациясини чуқурлаштириш ва техноло-гиялар трансферини жадаллаштиришга хизмат қилади. Бу ташаббуслар Марка-зий Осиёни глобал ишлаб чиқариш ва ло-гистика занжирларида интеграция қилиш имкониятини кенгайтиради.

Рақамли трансформация соҳасида таклиф этилган “Марказий Осиё — Япо-ния” рақамли хаби ташаббуси минта-қанинг келгуси иқтисодий ўсиши учун муҳим омилдир. Сунъий интеллект, “буюмлар интернет”и, киберхавфсизлик ва инновацион иқтисодиёт йўналишла-рида қўшма платформа яратиш рақамли тенгсизлиқни қамайтириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва янги иш ўринларини очишда катта аҳамиятга эга. Бу эса минтақанинг рақобатбардошли-гини оширишда Япония тажрибасидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Транспорт, “яшил” энергетика ва экология соҳаларидаги ташаббуслар барқарор ривожланиш концепциясига тўлиқ мос келади. Тезорар поездлар, логистика марказлари, рақамлашти-рилган транспорт йўлаклари, қайта тикланадиган энергетика, когенерация ва аетроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қўшма дастурлар минтақа дав-латларининг иқтисодий ўсиши билан бирга экологик хавфсизлиқни таъмин-лашга қаратилган. Сейсмик хавфсизлик соҳасида Япония тажрибасини жорий этиш эса аҳоли хавфсизлигини оши-риш ва шаҳарсозликда барқарорлиқни таъминлаш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик бў-йича илгари сурилган ташаббуслар — таълим вазирилари йиғилиши, универ-ситет ректорлари форуми ва ёшлар тармок дастурлари — узоқ муддатли ҳамкорлиқнинг мустаҳкам ижтимоий пойдеворини яратишга хизмат қилади. Саммитда халқаро сиёсат ва минтақа-вий хавфсизлик, жумладан, Афғонис-тон масаласида ақидли позиция бил-дирилган “Марказий Осиё+Япония” форматининг фақат иқтисодий эмас, балки сиёсий барқарорлиқни таъмин-лашга қаратилган муҳим платформага айланаётганини кўрсатди.

Умуман олганда, “Марказий Осиё + Япония” мулоқоти доирасида ўтган давлат раҳбарлари даражасидаги би-ринчи саммитда илгари сурилган та-шаббуслар ҳамкорлиқни стратегик, комплекс ва узоқ муддатли шериклик даражасига олиб чиқишга қаратилган-ини яққол кўрсатди. Саммит якунида қабул қилинган Токио декларацияси Марказий Осиё давлатлари ва Япо-ниянинг мазкур йўналишдаги умумий сиёсий иродасини мустаҳкамлаб, ҳам-корлиқни институционал асосда ри-вожлантириш учун замин ҳозирлади. Ўзбекистон учун саммит натижалари мамлакатнинг минтақавий ҳамкорлик-даги фаол ва ташаббускор мавқеи янада кучайгани, Марказий Осиё миқёсида эса мазкур формат барқарор ривожла-ниш ва глобал иқтисодий жараёнларга интеграцияни чуқурлаштиришга хиз-мат қилаётганини тасдиқлади.

Шу йилнинг 21 декабрь, якшанба кунини пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги “Шаҳидлар хотираси” мажмуасида йилнинг фавқулодда ғаройиб насрий асари — “Ялдо кечаси” тарихий романининг кўпдан буён қутилаётган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, таълим, маданият ва санъат соҳаси намояндалари, талаба ёшлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тақдимот маросимининг, дам олиш кунини бў-лишига қарамасдан, айнан шу санада ўтказилган-да ўзига хос маъно бор. Зеро, тақвимга кўра, 21 декабрдан 22 декабрга ўтadиган вақт оралиғи йилнинг энг узун туни — Ялдо кечаси ҳисобланади. Ана шундай рамзий ном билан аталган роман эса кенг кўламли тарихий асар бўлиб, халқимиз ҳаётининг машаққат ва изтиробларга тўла қоронғи туңларидан ҳикоя қилади. Беназир шоиримиз Муҳаммад Шариф Гулҳаний қаламига мансуб:

Бу нечук тунким, онн тонги йўқ,
Ё музавилларнинг бонги йўқ,
деган сатрларнинг романига эпиграф қилиб олинган-ини ҳам шундан далолат беради. Янги китобни ўқувчиларга танитиш мароси-мининг ушбу масканда — “Қағотон қурбонлари хотираси” музейи жойлашган сокин ҳудудда ўтқа-зилгани ҳам бежиз эмас. Ўтган асрнинг машъум қағотон йилларида миллатимиз, халқимизнинг асл фарзандлари, маърифатпарвар жадид болболари-мизнинг кўплаб машхур намоёндалари ўша давр-да Алвастикўприк деб ном олган мана шу жойда қатл қилинган. Шу боис, тадбир аввалида қағотон қурбонлари хотирасига ҳўрмат бажо келтирилиб, Қурьонни қаримдан тиловат қилинди.

Анжуманда сўзга чиққан ижодкор зиёлилар, жамоатчилик вакиллари мамлакатимизда мухта-ран Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан миллий тарихимизни тиклаш, илм-фан, таълим-тарбия, санъат ва адабиёт соҳаларига кўрсатилаёт-ган юксак эътибор ва ғамхўрлик ўз ижобий самарасини бераётганини қайд этди. Жумладан, бутун тақдим этилаётган “Ялдо кечаси” тарихий романи ана шу йўлдаги янги, улкан бир қадам бўлгани таъкидланди.

Маълумки, жорий йилда буюк адиб Абдулла Қодирий қаламига мансуб биринчи ўзбек романи — “Ўткан кунлар”нинг яратилганига 100 йил тўлди. Бир асрдирки, бу ўлмас асар неча авлод адабиёт мухбирлари қалбида эзгулик ва маърифат чирогини ёқиб, миллионлаб инсонларни миллий ўзлгимиз, азалий қадриятларимиз руҳида тарбиялаб келмоқда. Унинг бош қаҳрамонлари кўнгиллардан чуқур жой олган бўлиб, ўз даврида ҳам, ҳозирги кунда ҳам китобхонлар уларнинг кейинги тақдирига қизиқиб қарашлари, асарнинг давомини хаёлан тасаввур қилиб юришларини кўриш, кузатиш мумкин.

Шу маънода, улугларнинг улуглиғи шундаки, улар ҳамма гапни ҳар доим ҳам очик айтивермайдн. Нозик ишоратлар қилидаки, бунда ақл эгаларигина англай оладиган ботиний белги-аломатлар мурас-сам десак, янглишмаган бўламиз. “Ўткан кунлар” романининг сўнгги саҳифаларида “Ёзғучидан” деб берилган мукхтасар изоҳда Абдулла Қодирий асар бош қаҳрамони Отабекнинг Ватан му-додоаиси йўлида ҳалок бўлгани, унинг Ёдгорбек деган ўғлидан икки фарзанд қолгани, уларнинг бири шўро ҳукуматининг масъул ишчиларидан экани, иккинчиси эса босмачилар сафига қўшилиб кетгани ҳақида ёзиб, ғаройиб бир асарнинг сюжет ливисини белгилаб бе-ради. Вақти-соати етиб, адабиётимизнинг қайсидир

истеъодли вакили шу мавзунинг давом эттириб, янги тарихий асар яратишини қутути мумкин эди. Ва ора-дан 100 йил ўтиб, мана шу гўзал орзу ўзининг бадий инкишофини топди.

Кўп йиллик ижодий фаолияти давомида Абдулла Қодирийни ўзига маънавий пир деб билиб, қалам теб-тариб келаётган таниқли ёзувчи Хайриддин Султон томонидан тарихий ҳужжатлар асосида яратилган ба-дий тўқима “Ялдо кечаси” романи учун асос бўлиб хизмат қилган.

Китобнинг масъул муҳаррири, атоқли адиб ва таржимон, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафу-ров асарни замонавий ўзбек адабиётнда тамомила қанфиёт деб баҳолаган бўлса, адабиётшунос олим, академик Шухрат Сирожиiddинов уни шундай таъ-рифлайди:

— Роман гоявий мақсади, мавзу-мундарижаси, ғаройиб бадий композицияси жиҳатидан бутун-ги адабиётимиз ривожда, шубҳасиз, катта бир воқеадир. Ушбу асарни замонавий ўзбек миллий насрининг “Ўткан кунлар” романидан кейинги юз йиллик тарихида индивидуаллиги ва жозибадорли-ги, миллий руҳи билан ақралиб турадиган юксак савиядаги китоб деб бемало айта оламиз.

Шу боис, бутунги китобхонлар, айниқса, ёш-ларимиз, романда ёзилганидек, “Туркистоннинг тутанмас қайғуси, элнинг бедаво дарди, ватан-дорлик армони, озолиқ ва адолат, маърифатли жамият орзуси, маҳрумият ва мағлубият алам-ларидан, зулм ва жаҳолат ҳўкрмон бўлган ялдо кечаларининг нихонис изстибодидан ҳасрат ва фарёд чекиб” ҳикоя қилadиган бу асарни албатта ўқиб-ўқиллари керак деб ҳисоблайман.

Тақдимот маросимида, шунингдек, Нурбой Жаббор, Баҳодир Карим, Шухрат Ризаев, Хонда-мир Қодирий, Зебо Мирзаева, Олимжон Давлатов каби таниқли мунаққид ва адиблар ҳам сўзга чи-қиб, “Ялдо кечаси”да XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи чорағида Туркистонда ҳўкм сурган кескин ижтимоий-сиёсий вазият, мустабид тузум зўравонликлари, миллатларарв зотларнинг фидокорона кураши, аждодларимиз бошига тушган кескиз мусибатлар ҳаққоний ва таъсирчан тасвир-ланганини қайд этди.

Ушбу асар янги Ўзбекистонда давлатимиз раҳ-бари Шавкат Мирзиёев томонидан амалга ошири-лаётган очиклик ва эркинлик сиёсатининг ҳосила-си ўларoқ дунёга келгани эътироф этилиб, бутунги кунда миллий истиқлолимизни асраш, уни ҳар то-монлама мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, мустақиллик гояларига садоқат руҳида тарбиялаш жамиятимиз барча аъзоларининг, авва-ламбор, миллат зиёлиларининг масъулиятли ва ша-рафли бурчи экани алоҳида таъкидланди.

“Ялдо кечаси” тарихий романи “Xaybat — 25” нашриёти томонидан лотин ва кирилл алифбодо-ларида тайёрланиб, “Credo Print” босмахонасида чоп этилган.

Элмурод КАРВОНЛИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Тараққиёт йўли

Ҳар қандай юртининг кудрати бойликларидан эмас, аввало, фуқароларининг бахти, қадри ва фаровонлигидан намоён бўлади. Янги Ўзбекистонда ҳар бир ислохот, ҳар бир ўзгариш ва янги дастурлар марказида инсон қадри, тақдирини турибди. Худудларда аҳолининг бандлигини таъминлаш, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун ижтимоий бериш, оилаларнинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун қўлай муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Натижада минглаб оилаларнинг ҳаёти ўз-гариди. Кечагина иш қидириб юрган йигит ёки қиз бугун ўз иш жойига эга, орзу-мақса-длари сари қадам ташламоқда. Кичик тадбир-корликни йўлга қўйган оилалар маҳалласида хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ёки ҳунар-мандчилиқни йўлга қўйиб, иқтисодий ва иж-тимоий фаоллиги ортаётгани ислохотларнинг амалдаги самарасидир.

— Жорий йилда вилоятимиз бўйича 58 минг 991 нафар ишсиз фуқаро рўйхатга олин-ди, — дейди Жиззах вилоти камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шерали Сулаймонов. — Шу йилнинг 10 ойида 32 минг 491 нафар кишининг бандлиги таъминланди, 61 та ма-ҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айлантирил-ди. 2025 йил якунига қадар қолган 26 минг 500 фуқаронини иш билан таъминлаб, ишсизлик

даражасини 4,7 фоизга тушириш чоралари кўрилади. Бундан ташқари, йил аввалида 30 минг оила Камбағал оилалар реестрига киритилганди. Ўтган даврда индивидуал режалар доирасида 19 минг 972 та оиланинг дарома-дини оширишга қаратилган 33 минг 854 та хизмат кўрсатилди. Натижада камбағаллик даражасини йил бошидаги 11,8 фоиздан 4,8 фоизга туширишга эришилди.

Дарҳақиқат, Жиззах вилотида камба-ғаллиқни қисқартириш борасида ижобий натижалар қўлга киритилмоқда. Айниқса, Дўстлик, Пахтакор ва Форш туманларида камбағал оилалар сони 4-5 баробаргача ка-майганини давлатимиз раҳбари ҳам эътироф этди.

“Дўстлик туманига берилган 5 миллиард сўм мақсадли ишлатилиб, Чинобод маҳалла-сидаги 2 километрни кўчанинг инфратузилма-си яхшиланди. Ишнинг самараси кўрингани сабаб яна 10 миллиард сўм ажратилган эди. Натижада дарё бўйи обод қилинди, савдо-сер-вис учун қўлай шароит яратилди, 130 та янги тадбиркор иш бошлаб, 700 нафар одам ишли бўлди”, деди Президентимиз.

— Маҳалламиздан ўтувчи каналнинг икки ёқаси қаровсиз эди. Кечасини қўяве-ринг, ҳатто кундузи фарзандларимизнинг канал атрофида юришидан хавотир олар-дик, — дейди Дўстлик тумани Мевазор



маҳалласида яшовчи Одил Алимов. — Қис-қа муддатда шундай овлоқ жой обод бўлиб, нафақат маҳалламиз, балки туманимиз аҳли-нинг сеvimли сайилгоҳига айланди. Кечку-рунлари қўшнилар билан фарзандларимиз ҳамроҳлигида бу ерга сайрга келамиз. Бо-лаларимизнинг шодон ўйин-кулгисини кў-риб, мана шундай гўзал, обод, тинч юрда яшаётганимизга шукр қиламиз. Туманимиз чирой оцаётгани сайин одамлар ҳам доимий иш ўрнига эга бўляпти. Масалан, жиним

ушбу лойиҳа туфайли сотувчи бўлиб ишлай бошлади. Ҳозир қиш бўлишига қарамай, ка-налнинг икки тарафи кечано кундуз гажум. Баҳор, ёз фаслларида одам бундан-да кўп ке-лиши шубҳасиз.

Туманининг “Саноатчилар” МФЙ ҳуду-дада тадбиркорлар томонидан “Микросо-ноат ва хизмат кўрсатиш маркази” қурилиб, фаолияти йўлга қўйилган. Умумий қиймати 45 миллиард сўм бўлган мазкур мажмуа-дан замонавий тикувчилик цехи, чинни

маҳсулотлар ишлаб чиқариш, сувни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқа-риш қорхоналари каби қирққа яқин лойиҳа жой олган. Мухими, мингдан зиёд киши иш билан таъминланган. Тикувчилик цехидаги тикув-трикотаж маҳсулотлари тўлиқ экспорт қилинмоқда.

Шунингдек, туман марказидаги 10 гек-тар ерда драйвер лойиҳа сифатида 10 минг-дан ортқк ёшни қамраб оладиган, қиймати 50 миллиард сўмлик ёшлар шаҳарчаси бун-ёй этилмоқда. Ушбу шаҳарчадаги ёғи ва қишқи олимпиада спорт турлари билан шу-ғулланишга мўлжалланган замонавий маж-муа фойдаланишга топширилиш арафаси-да. Айни пайтда бу ерда АТ маркази, ёшлар амфитеатри, кутубхона, овоз ёзиш студия-си, оила мактаби ва 20 дан зиёд аттракцион фаолият юритмоқда.

Вилоятда эхтиёжманд оилаларнинг иж-тимоий-иқтисодий аҳоли яхшиланисида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури муҳим ўрин тутмоқда. Мисол учун, Арна-сой туманида жорий йилда ушбу дастур ор-қали умумий қиймати 24 миллиард сўмлик 466 та микролоиҳага амалга оширилиб, минг-га яқин фуқаро даромадли бўлди. Хусусан, ту-мандаги 3500 дан зиёд одам яшаётган Бобур маҳалласида фуқароларнинг қизиқишига қа-раб, драйвер соҳалари аниқланди. Янги хизмат

турлари кўпайтирилиб, иш ўринлари очилди. Маҳаллада бугун ана шундай барқарор даро-мадга эга оилалар сони ортиб борапти. Жум-ладан, Мехрибон Муҳиддинова 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, замонавий уску-налар харид қилиб, сутни қайта ишлайдиган кичик қорхонага асос солди. Тадбиркор бир кунда 700 литр сутни қайта ишлаб, етти тур-даги махсулот тайёрлаб, ички бозорга етқа-зиб бermoқда. Мухими, оиланинг тўрт аъзоси доимий иш ўрнига эга бўлди.

Турсуной Маматқулова паррандачилик йўналишида ишлаш истagini билдирди. Таклифи қўллаб-қувватланди. Ҳозир она-хон хонадонда 100 дан зиёд ўрдак ва товۇқ оилага даромад келтиряпти. Яқинда уйи-нинг бўш турган хонасидан унумли фойда-ланиб, қўзқорини етиштиришни ҳам йўлга қўйди.

— Нафақага чиққанмида кейин уйда бе-кор ўтирмай, ҳоким ёрдамчиси тавсиясига кўра дастлаб парранда боқа бошладим. Энди қўзқорин етиштириш билан шуғуллания-ман, — дейди Турсуной Маматқулова. — Оиламизга қўшимча даромад келтираётган-нимдан хурсандман. Тадбиркорлик ҳар бир инсонга, ҳар бир оилага керак. Ишингиз на-тижасини кўриб, руҳингиз кўтарилди, хурс-анд бўласиз, чарчогингиз чиқди. Мухими, доимий даромад туфайли бировга муҳтож бўлмайсиз.

Мазкур мисоллар мамлакатимиздаги ис-лохотлар халқимиз фаровонлигини ошириш-га қаратилганини яна бир бор тасдиқлади. Бу борадаги улкан мақсадлар, режалар рўёби юрдошларимиз ҳаётини тубдан яхшилашга хизмат қилмоқда.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ИШОНЧ ВА РАҒБАТНИ ИМКОНИЯТГА АЙЛАНТИРАЁТГАН ЗАМОНДОШЛАР — БУГУНГИ КҮН ҚАҲРАМОНЛАРИ

Мамлакатимизда барча соҳаларда кечаётган шиддатли ислохотлар доирасида камбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилалар билан ишлаш ва уларнинг турмуш даражасини яхшилаш борасида ҳам изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Йиллар давомида юртимизда камбағаллик масаласи деярли тилга олинмаган, мавзу ёпиқ бўлган. Кейинги йилларга келибгина, бу масала очиқ муҳокамага олиб чиқилди ва уни бартараф этиш бўйича туб ислохотлар бошланди. Ушбу тоифадаги оилаларни камбағалликдан чиқариш, барқарор даромад манбаига эга қилиш, касбга ўргатиш, тадбиркорликка йўналтириш ва манзилли кўмакни йўлга қўйиш каби ишлар “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурига асосан амалга оширилмоқда.

Жорий йил 19 ноябрь кунни Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш

борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам камбағалликни қисқартириш йўналишидаги ишлар чуқур таҳлил қилинди ва кечиктириб бўлмайдиган янги вазифалар белгиланди. Аслида, камбағаллик ва ишсизлик фақат қийналган оилаларнинг эмас, балки жамиятимизда ашаётган барчанинг умумий ташвишидир.

Ушбу мақола қаҳрамонлари ҳам янги Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар самараси туфайли ҳаёт қийинчиликларини енгиб, нафақат камбағалликдан чиқиш, балки эл-юртга нафи тегаётган тадбиркорларга айланган замондошларимиздир.

ЭНДИ ҲАМ ЕРЛИ, ҲАМ УЙЛИМАН



Комила ЖҲРАЕВА

Жиззах вилояти Зарбдор тумани:

— Йиллар мобайнида 7 фарзандим билан бошпанасиз, ташландиқ жойда чайла куриб яшадик. Баъзан ейишга нон тополмай, пропискам йўқлиги учун фарзандларимни мактабда ўқита олмай, жуда тушкун кайфиятда юрган вақтларимда кун келиб, мени “Гулчи она” деб аташларини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Чунки 6 йил олдин “Темир дафтар”да рўйхатда турар, ахволим ночор эди.

Бугунги кунда Зарбдор туманидаги “Зарбдор зирачаси гул кўчатларини етиштириш томорка хизмати” МҲҲ директорини, 35 нафар доимий ишчим бор. Утан йили “Йил аёли” танлови республика босқичида иштирок этиб, “Йилнинг энг жонкуяр аёли” номинациясида ғолиб бўлдим. Жорий йил августда эса Президентимиз фармони билан “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонига муносиб қўрилдим.

Ҳозирги яшаб турган жойимиз, томорқа ҳўжалигимиз илгари ташландиқ, тақир ер эди. Айнан шу ерга келиб, кичик бир қапа тикиб яшаганимиз. Турмушдаги қийинчиликлар, тушунмовчилик ва алдовлар туфайли фарзандларим билан уйсиз, кўчада қолганимиз. Ҳолинг қандай кечаяпти, болаларнинг нима еб, нима ичяпти, қийишга қийими, ётарга жойи борми, нега аёл бошинг билан кўчада яшагилсан, қийиннинг изгирини, ёзинг жазирамасида бу ерда қандай жон сақлайсизлар деб сўрайдиган одам бўлмаган.

Беадад шукрки, сўнгги йилларда юртимизда кечаётган янгиланишлар бонис, рўшнолик кўрдим. Ҳеч кутмаганим ҳолда ҳаётимда яхши ўзгаришлар рўй берди. Бунинг учун Президентимиздан чексиз миннатдорман!

Олти йил олдин ўша вақтдаги туман ҳокими келиб яшаш тарзимни кўрди, “Нега бундай аҳволда яшаб юрисиз, фарзандларингиз мактабда ўқимаётган экан, нима учун

маҳаллага ёки бизга мурожаат қилмадингиз, маҳалла фаоллари аҳволингизни сўрамадимиз?” деган саволларни берди.

Индамадим. Зеро, йиллар давомида ёрдам сўраб мен тақиллатиб бормаган идора эшиги, кўмаклашинг, ахволим оғир дея айтмаган мутасадди раҳбар қолмаганди. Шунинг учунми, ўша пайтларда ҳеч кимдан кўмак сўрамаганман. Ҳокимнинг “Сизга нима ёрдам қилайлик?” деган сўровига, “Менга ер беринг, меҳнат қилиб, ўзим оёққа тураман”, дедим. Шундан сўнг ер ажратиб берилди.

Давлатимиз кўмаги билан иссиқхона қурдик, болаларим билан аста-секин иссиқхоналарни кўпайтирдик. Туманда гулчилик йўналишида доимий фаолият юритувчи бирорта тадбиркор йўқлиги бонис, бу соҳага эҳтиёж бор эди. Яқинда қудуқ қазиридик, сув чиқардик. Унгача экинларни челақлаб сув ташиб сугорардим. Вақт ўтиб, ён-атрофни обод қилиб, мевали кўчатлар эқдим. Давлатимизнинг яна бир моддий қўлловчи билан икки хонали уй учун бошлангич тўлов қилдим.

Аслида, турмуш қийинчиликларидан ортиб 7 фарзандим тарбиялаш, вояга етказишнинг ўзи бўлмайдик. Ҳаётим аста-секин изга тушди, қийинчиликлар ортда қолди. Ҳозир мутасадди раҳбарлар фаолиятимни доим қўлаб, кўмак бериб келяпти. Кадастр қилиш, иссиқхонани газлаштириш орқали фаолиятим анча ривожланди.

Бугун янги Ўзбекистонимизда янгиланишлар нафаси есяпти. Инсонларвар, тараққийларвар ислохотлар ҳисобига мен каби уйсиз, ишсиз, бошпанасиз одамлар ҳаётида оламшумул яхши ўзгаришлар рўй бермоқда.

Айтганча, қорхонамиз 2022 йилда фаолият бошлаган бўлса, 2025 йил бошида 100 миллион сўм кредит эвазига яна 5 гектар ер олиб, манзарали гул кўчатлари етиштиришни бошладик. Ҳозир гулларнинг 500 хилдан зиёдини етиштиряпман. Иссиқхоналарни кенгайтириб, гулчиликдан ташқари турли мевали дарахтлар етиштириш ва ички бозорда сотиш, кўкат ва резаворларнинг уруғини қадоқлаб, савдо қилишни йўлга қўйдим. Бундан ташқари, паррандачилик ва чорвачиликни ҳам изга туширяпман.

Ишсиз хотин-қизларга томорқачилик сирларини ўргатиш орқали доимий даромад манбаига эга бўлишида кўмак бериш билан бирга уларнинг маънавий оламини бойитиш учун “Зирапча” номили кутубхона ташкил қилдим.

Тўғриси, давлатимиз яратиб бераётган имкониятлар орқали 40 ёшимда камбағалликдан чиқиб, тадбиркор аёлга айландим. Асосийси, фарзандларим олий таълим муассасаларида, кичиклари мактабда ўқияпти. Давлатимиз ғамхўрлиги ва қўлаб-қувватловига жавобан эҳтиёжманд оилалар, қийналган аёлларга кўмак беришга ҳаракат қилияпман.

ҲАММАСИ ИЗГА ТУШДИ, УМИДИМ ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Шоҳиста НУРМАМАТОВА

Бухоро вилояти Қорақўл тумани:

— Турмуш ўртоғим ва бир болам ногирон. Шу бонис, рўзгорнинг кам-кўстини тўлдиришга ҳаракат қилардим. Айнакча, биринчи гуруҳ ногирони бўлган ўртанча фарзандимнинг парвариши, дорилари ва кундалик эҳтиёжини таъминлаш энг оғир синовлардан бири эди. Вояга етмаган уч боланинг кундалик харажатлари ҳам бунга қўшилиб, узоқ йиллар тинкамни қурибди.

Яхшиям орзу бор. Бу кунлар келишини йиллар бўйи кутиб, ният қилиб яшадим. Йўқса, билмадим, турмушнинг бу оғир синовларига қандай бардош берадими? Ҳар ҳолда ҳаётим қачондир ўнгиланишини билардим.

Шукрки, ўйлаганларим, яхши ниятларим рўёбга чиқмоқда. Давлатимиз халқимизни,



юртдошларимиз давлатимизни қўллаши ортиндан мамлакатимиз тез ривожланибди. Яъни бугун барчага тадбиркорлик, иш, ўқиш, спорт учун яхши шароит яратиб берилляптики, ундан унумли фойдаланаётганларнинг ютуғи

йиғилиб, Ўзбекистонимизни ҳар томонлама юксалтирмоқда. Асосийси, “Инсон қадири учун” гоёсига асосланган устувор ислохотлар туфайли биз каби эҳтиёжманд қатлам вакиллари ҳам ўзини бахтли ҳис қилмоқда.

2022 йилда “Темир дафтар”га киририлдим. 2023 йилда “Маҳалла еттичилиги” ёрдами билан оилавий тадбиркорликни бошлаш учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит олдим. Ишни товуқ боқиш ҳамда тухум сотишдан бошладим. Бу ишнинг харажати кам, асосий ишлар эса уйда бажарилади. Шу бонис, ҳам ишлаш, ҳам фарзандларим ва турмуш ўртоғимга ғамхўрлик қилишга вақтим кўпроқ бўлади.

Меҳнатда барака бор дейишади. 300 та товуғим бор эди, ҳозир уларнинг сони икки мингтага етди. Ҳар кўни қарийб 1000 дона тухум оламан. Харидорлар тухумини уйимдан олиб кетади.



Нарзулло ЗАБИХУЛЛАЕВ

Тошкент вилояти Зангиота тумани:



“

Турмуш қийинчиликлари мени баъзан бутунлай ёлғиз қолдиргандек туғулар, ҳаётда қандай йўл топаман, фарзандларимни қандай қилиб оёққа турғизаман деган ўйлар билан туналари бедор ўтирардим. Шукрки, давлатимизнинг ёрдами, эътибори орқали ҳаётим изга тушди, умидим қайта тикланди.

Ҳаётимдаги бу катта ўзгаришлар учун давлатимиздан бир умр миннатдорман. Президентимизнинг ғамхўрлиги туфайли қайтадан қаддим тикланиб, жамиятда ўз ўрнини толдим.

дедим. У мени малакали шифокорларга олиб боришини айтди.

Бир неча кундан сўнг шифохонага бордик, қайта текширувлардан ўтдик. Хуллас, соғлигим тиклана бошлади.

Оз фурсат ўтмай, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида хонадонимизда бичувчилик хизмати билан шуғулланишга банкдан 33 миллион сўм имтиёзли кредит олдим. Дастлаб ишимни якка тадбиркор сифатида бошлаган бўлсам, ҳозир 20 ишчи-хизматчи билан давом эттиряпман. Уларнинг бир қисми камбағал оилалар аъзолари.

Кичик тадбиркорлигим бугун тиббиёт кийимлари тикиш ва бичувчиликка ихтисослашган оилавий қорхонага айланди. Ҳозир

Бир ёқда шифокорлар қўйган оғир ташхис, иккинчи томонда қўлимиз калталиги. 2024 йилда маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси хонадонимизга келди. Болалигимдан дизайн соҳасига қизиққан бонис, турли андозаларни чизиб ўтиргандим. Ҳоким ёрдамчиси чизмаларимни кўздан кечирав экан, нега ишламаслигини сўради. “Бетобман, онкологик касаллик билан оғирганман”,

27 ёшдаман, ойлик даромадим 80 миллиондан зиёд.

Бундан ташқари, олти сотихли томоркамизда шамшод ўсимлигини етиштиришни йўлга қўйдик. Донасини 65 мингдан сотамиз, олти ойда 800 дона шамшод етиштирилади. Даромадимиз ҳисобига хонадонимизни таъмирладик, турмуш шароитимизни яхшиладик, автомобиль ҳам олдик. Қувонарлиси, синглим ва укамни турли тўғаракларда ўқитяпман.

Албатта, ҳаётимдаги бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмади. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотлар барча жабҳадаги янгиланишлар, катта-катта ютуқлар, биз каби миллионлаб инсонлар тақдири яхши томонга ўзгаришига асос бўляпти. Бунинг учун Президентимиздан чексиз миннатдорман!

ДАВЛАТИМИЗ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВИ БИЛАН ШУ ДАРАЖАГА ЭРИШДИМ

Феруза ОЧИЛОВА

Қашқадарё вилояти Ғузор тумани:

— Йўқчилик курсин, қора қозонни қайнатидан бошқа ташвиш хаёлимга келмайдиган пайтда фарзандларинг бирор тансиқ таом пишириб ёки янги кийим олиб беришининг сўраса, ғалати ҳолга тушиб қоларкансан. Сўраганини қилай десанг имконинг йўқ, вазиятни айтиб қойсанг, улар бола, тушунмаслиги мумкин, бошқа томондан, улар бу нарсаларни сўрашга ҳақли. Шундай кезлари жавоби йўқ саволларимдан маънос тортардим.

Бундай тушунлиқ руҳиятга ҳам таъсир қиларкан. Сўнгги йиллардаги ўзгаришлар туфайли оилавий шароитимизни ўрганиб чиқиб, “Аёллар дафтари”га рўйхатга қўйишганида айтилди ўзгариш бўлишига ишонмаганим. Маҳалла фаоллари банкдан кредит олишимни тавсия қилди, ижтимоий дафтарда турганим учун имтиёз асосида 30 миллион сўм олдим.

Шу асосда томоркамизда икки сотихли кичик иссиқхона барпо этиб, деҳқончиликни йўлга қўйдик. Бу кутганимиздан тезроқ натижа берганини кўриб жуда руҳландик. Ҳозирга келиб, қўшимча даромадимиз ҳисобидан иссиқхонани олти сотихгача кенгайтирдик. Йил давомида уч марта ҳосил етиштирамиз. Асосан, помидор ва бодрингдан барқарор даромад оляпмиз. Яна чорвачиликни ҳам йўлга қўйдик.

Даромадимиз яхши, шунинг ҳисобидан уй-жойимизни таъмирладик, қорамолларни



қўпайтирдик. Фарзандларимизни олий таълимда ўқитишни ният қилганмиз. Давлатимиз қўлаб-қувватлови билан шу даражага етишдик. Фикримча, бу йўналишдаги сиёсат эвазига Ўзбекистонда менга ўхшаб муҳтожликдан фаровонликка чиққанлар, тадбиркор бўлиб эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилаётганлар жуда кўп. Шунинг учун мамлакатимиз жуда тез суръатларда ривожланибди.

Демоқчиманки, давлатимиз мана шундай шароит яратиб берган экан, биз бу ишонч, рағбат фурсатини имкониятга айлантириб, ҳақ оиламиз, ҳам юртимиз барқарорлиги йўлида бор куч-ғайратимизни ишга солишимиз талаб этилади. Шахсан ўзим бу талабни шараф билан бажараман.

Бугун “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури натижасида халқимиз турмуш тарзида янги имкониятлар, янги саҳифалар очилмоқда. Кен қамровли ислохотлар ҳар бир ҳудудда ўзининг аниқ натижасини бермоқда.

Қайси ҳудудга борманг, томорқадан унумли фойдаланиш, иссиқхона ҳўжаликлари, гулчилик ва кичик бизнеснинг турли йўналишларини ривожлантираётган фидойиларга дуч келасиз. Улар нафақат ўз оилаларига мустаҳкам таъин, балки маҳалла ҳаётига янги руҳ ва ҳаракат бағишлаётган янги давр ишбилармонларидир.

Улардан бир гуруҳининг ҳаёти билан танишар эканмиз, имкониятлардан унумли фойдаланиш асосида камбағалликдан чиқиб, муносиб ҳаёт даражасига эришганининг гувоҳи бўламиз. Уларнинг ҳар бири ирода, меҳнат ва интилиш билан рўзгорига барака, ҳаётга эса ғўзал максадлар кирита олган.

Ҳа, инсоннинг фаровон, тўқин ва хотиржам ҳаёт кечириши, аввало, унинг ўзидаги ирода ва ҳалол меҳнатига боғлиқ. Хонадонда тинчлик, меҳнатда барака бўлишини истаган ҳар бир инсон бугунги ислохотлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз ҳаёти-харажатлари билан тўқин ва тўқис ҳаётга эришиши мумкин.

Гуличехра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“ТОМОРҚА МАКТАБИ” —

ИЛМ ВА ИҚТИСОДИЁТ УЙЁУНЛИГИ



Сурхондарё вилоятида ҳам камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ишлар самара берапти. Жумладан, шу йилнинг 9 ойида 23 минг 300 оила камбағалликдан чиқарилди. Натижада камбағаллик даражаси йил бошидаги 9,3 фоиздан 5,5 фоизга камайди.

Президентимиз раислигида шу йил 19 ноябрь куни камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилганди. Унда қишлоқ хўжалиги ҳисобидан аҳоли даромадини оширишга алоҳида эътибор қаратилган ва тегишли вазифалар белгиланган эди.

Камбағалликни қисқартириш мақсадида аҳолига 232 минг гектар ер бўлиб берилган. Натижада 770 минг одам даромад манбаига эга бўлди. Лекин тажрибаси етишмагани, сифатли уруғ, махсулотига бозор топишга қийналгани учун уларнинг учдан бири кам даромад топган. Шу боис, Термиз туманида томорқа мактаби ташкил қилинди. Мақсад — томорқа эгалларига серхосил уруғ танлаш, ишни тўғри ташкил этиш сирларини ўргатиш. Бу мактабда томорқага илм билан ёндашиб, бир йилда Сурхондарё шaroитида 5 мартагача экин экиш ўргатиляпти.

Эҳтижманд 3000 киши цитрус мева, анжир, хурмо, гул етиштириш бўйича махсус курсларда ўқитиляди. Агар бу тажриба барча ҳудудда жорий қилинса, махсулот етиштириш ҳам, экспорт ҳам, асосийси, деҳқонларнинг даромади ҳам 4-5 баробар кўпаяди.

Сурхондарёдаги “Инновацион томорқа мактаби” асосчиси — 64 ёшли тажрибали деҳқон Бобоёр Холбоев. У йиллар давомида 33 сотих иссиқхонада 1 миллион тул помидор, бодринг, булғор қалампири, бақлажон, қовун-тарвуз, 20 турдаги гул кўчанини парваришлаб, фермер ва деҳқон хўжалиқларига даража етказиб бермоқда. Бугун иссиқхонада 20 дан ортиқ маҳалладошнинг доимий иш билан таъминланган. Уларнинг ўн нафари хотин-қизлар. У хонадонида мактаб очди ва маҳалладошларига қиш-ёзн махсулот етиштиришнинг сир-асрорларини кунт билан ўргатмоқда.

— Қайси соҳа бўлмасин, юқори натижага эришиш учун, албатта, эскича усуллардан воз кечиш, илмий ёндашувни жорий этиш керак. Томорқа мактабининг ютуғи махсулот етиштиришда инновацион

Ҳар бир мамлакат ривожланиш жараёнида камбағалликни қисқартириш босқичидан ўтади. Юртимизда ҳам аҳолининг муайян қисми камбағал экани тан олинди ва уларга ёрдам беришга киришилди. Ўтган қисқа муддатда бу бўйича янги тизим яратилиб, кўплаб ютуқларга эришилди. Хусусан, ишсизлик даражаси 4,9 фоизга тушди. Мазкур рақам ўтган йили 5,5 фоиз бўлган.

томорқа мактаби фаолияти, балки экспорт масаласида ҳам тушунчага эга бўлдик. Хусусан, “Лето” компанияси ташкил этган экспорт учун юқори даромадли экинлар етиштириш ва логистика маркази фаолияти билан танишдик, — дейди Наманган вилояти Мингбулоқ тумани “Ойбек” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Саида Бойтуманова.

Энди ҳар бир вилоятда камиди 5 та томорқа мактаби очилади. Шу орқали ерни ижарага олганлар сердаромад экин экишга ўргатиляди. Деҳқонлар ижарага олинган ерда етиштирилган махсулотни кафолатли сотиши учун экспортчи кооперативлари ташкил қилинади. Ушбу семинар барча ҳудуддан келган вакиллarga фойдали тавсиялар олиш ва маҳорат алмашиш имкониятини бери.

— Сурхондарё вилоятида 2026 йилда камбағалликни 4,5 фоиздан камайитиш мақсад қилинган. Бу борада 5 та устувор йўналиш белгиланган. Улардан бири — саноат лойиҳалари орқали доимий иш ўринлари очил. Биргина Қизилқум туманида 7,5 миллиард сўм эвазига зовур



усуллардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган, — дейди “Дўстлик” ордени соҳиби Бобоёр Холбоев. — Мактабимизда ерга илмий асосда ёндашиб, бир йилда воҳа шaroитида 5 марта экин экиш ўргатиляпти. Масалан, октябрда эртангишар қарам, февралда қартошқа, майда бодринг, августда кўкат, сентябрда эса саримсоқ экиб, юқори натижага эришиш мумкин. Ташаббус ва иштилош бўлса, 10 сотих томорқадан йилга 100 миллион сўмдан даромад ола бўлади.

Уста деҳқонларнинг узоқ йиллик тажрибаси, тўплаган билимларини ўртоқлашаётгани самара бермоқда. Кимдир қўлуپанайга қизикса, яна кимдир гулчилик ағротехнологиясини ўрганмоқда. Бошқа биров эса қарам етиштириш сир-асрорларини ўзлаштирмоқчи. Фақат булар билан чекланмаган деҳқонлар энди маҳаллий иқлим шaroитида банан, папайя каби цитрус меваларни ҳам парваришляпти.

Яқинда Термиз туманидаги “Инновацион томорқа мактаби”да тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда кенг қамровли семинар ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятдан туман ҳокимлари, уларнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, тажрибали уста-деҳқонлар ва ўз ҳудудида қишлоқ хўжалиги бўйича лойиҳаларни йўлга қўйиш истагидаги тадбиркорлар қатнашди.

— Иштирокчи сифатида мактаб ҳудудида ташкил этилган ўқув амалиёт участкаси бўлди. Бу ерда қўлланаётган инновацион сўғориш тизими, ўсимликларни парваришляшнинг илмий асосланган усуллари ва ҳосилдорликни оширишга қаратилган ёндашувларига гувоҳ бўлдик. Нафақат

ёпиқ дренажа ўтказилди. Натижада цех учун қўлай жой пайдо бўлди. Ўша ерда темирчилик ва ёғочсозлик бўйича 20 та янги цех ишга туширилиб, 400 одамнинг даромади 2-3 баробар ошди. Мухими, цех қурилган жойнинг ўзида тайёр махсулот сотиляди, — дейди Сурхондарё вилояти камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зокиржон Ғафоров.

Қизилқум туманида 31 та маҳалла бор. Туманда йил бошида камбағаллик даражаси 8,5 фоиз эди. Баждрилган ишлар натижасида бу кўрсаткич анча пасайди. Ташкил этилаётган бундай савдо ва ишлаб чиқариш майдонлари аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиляпти. Шу боис, фойдаланилмаётган 5 гектар ерда қатор лойиҳаларни йўлга қўйиш режалаштирилган. Мазкур саъй-ҳаракатлар аҳолининг турмуш шaroитини яхшилаш, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

КАНАЛ ВА АРИҚЛАРНИ БЕТОНЛАШ

СУВНИ ТЕЖАБ,

ҲОСИЛГА БАРАКА КИРИТЯПТИ

Қувасой шахридаги “Замин кўрки” фермер хўжалиги экин майдонларига сув Қажир ариғи бўйлаб икки километр узоқдан келади. Ўзан ҳудуддаги 230 гектар экин майдонини сув билан таъминлаш керак. Бу экинлар вегетацияси даврида ўзига хос қийинчиликларни юзага келтиради. Ўз вақтида тозаланиб, қовланмаган ариқларни бегона ўт босиб, сув оқимини сўсайтиради. Меъёридан ортиқ сув ариқ қирғоқларини бузиб, обихаётнинг беҳуда оқиб кетишига сабаб бўларди. Бир километр ички ариқнинг бетонланиши фермернинг сув таъминотини кескин яхшилади. Натижада бир йилда 350 минг куб сув тежалди.

— Қажир ариғидан 12 гектардан ортиқ экин майдонини сугарамиз, — дейди фермер Авазбек Мамажонов. — Ариқлар бетон қилинганча, сўғориш вақти тежалляпти, оқим тезлашди, йўқотишларнинг олди олинди, экинларни сифатли сўғориш имконияти яратилди. Иқтисод қилинган обихаёт қўшимча экинлар экиш орқали даромад олиш, янги иш ўринлари яратишда кўл келмоқда. Айни кунларда 6 гектардан ортиқ интенсив боғимизда томчилатиб ва ёмғирлатиб сўғориш технологияларини жорий этиш устида ишляпмиз.

Қувасой шахри қишлоқ хўжалиги тармоқлари учун керакли бўлган сув манбалари асосини Қирғизистондан оқиб келувчи Исфайрам дарёси ташкил этади. Кейинги йилларда сўғориш тармоқларини яхшилаш, мавжуд сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, йўқотишларни камайитиш мақсадида ҳудуддаги канал ва ариқларни бетонлаш устувор вазифа сифатида кўрилмоқда.

2025-2026 йилларга мўлжалланган режа доирасида жами 7,3 километр сўғориш тармоғини бетонлаш режа қилинган. Бу мавжуд экин майдонларини барқарор сўғориш имкониятини кенгайтириб, сув йўқотилишининг олдини олади. Бугунгача Баланд ва Қажир ариқлари бетон қилинди. Натижада тармоқлардан сув ўтказиш имконияти яхшиланди.

— Сув йўлини бетонлашнинг самараси бир неча йўналишда намоён бўлади, — дейди Қувасой шахри сув етказиб бериш давлат муассасаси бошлиғи ўринбосари Аҳаджон Сўфиев. — Бетон қоплама сув йўқотишларини 25-27 фоизгача камайтиради. Сўғориш вақтини қисқартиради, босим бир маромада сақланиди ва узоқ масофага қийинчиликсиз етказиляди. Ариқларни мунтазам тозалашга эҳтиёж камаяди. Чунки бетон қоплама ифлосланиш ва ортиқча ўт-ўланлар ривожини чекляйди. Бу жараён, айниқса, ёз мавсумида ҳар бир томчи сув қадрли бўлган шaroитда катта аҳамиятга эга.

Фарғона водийси сув ресурсларини бошқариш “Фаза-2” лойиҳаси доирасида Қувасой шахрида 4,6 километр туپроқ ўзанли канални бетонлаш ишлари якунлянди. Натижада 520 гектар сўғориладиган майдоннинг сув таъминоти яхшиланди. Бу йилга ўртача ҳисобда 1,1 миллион метр куб сувни тежаш имкониятини беради.

Жорий йилда кластер, фермер ва деҳқон хўжаликлари ихтиёридаги 56 километр ички ариқни бетонлаш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилди. Бу бир мавсумнинг ўзида 10-12 миллион метр куб сувни тежаш, экинларни тезроқ сўғоришга йўл очади.

Эски Найман канали Қувасойдаги фермер ва томорқа хўжалиқларига сув етказиб беришда муҳим бўгин ҳисобланади. Бугунгача бу ўзанинг 5 километр қисми бетонланди. Мухофаза зоналари мустаҳкамлянди. Эски Найман канали “Лашкар”, “Пастки валик”, “Юқори валик”, “Найман” маҳалла фуқаролар йиғинидаги экин майдонларини сув билан таъминляйди. Сув ўзани бетон қилинганча, обихаёт етказиб бериш ҳажми кескин ошди. Бир йилда 2 миллион кубдан зиёд йўқотишларнинг олди олинди. Бу 400 гектардан ортиқ экин майдонини қўшимча сув билан таъминлаш ҳамда 100 гектар янги ер ўзлаштириш имкониятини беради.

Фарғона вилоятида 2025-2026 йилнинг куз-қиш даврида Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ тасарруфидagi сўғориш тармоқларини бетонлаш режа қилинган. Унга кўра, 280 километр жой бетон қилиниш керак. Ҳозиргача 87,4 километрдаги ишлар бажарилди.

— Соҳага рақамли технологияларни жорий қилиш борасидаги истиқболли лойиҳалар сув ресурсларини тежаш, ундан самарали фойдаланиш кўламини оширишга

хизмат қилмоқда, — дейди Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳумоюн Холматов. — Ўтган йилнинг ўзида вилоят маҳаллий бюджети ҳамда бошқа маблағлар ҳисобидан 711 та “Aqlli suv” ҳамда 132 та “Dayver” қурилмаси ўрнатилди, 1 та сув хўжалиги объекти автоматлаштирилди. Айни кунда яна 586 та “Aqlli suv” қурилмасини ўрнатиш бўйича пудратчи ташкилотлар билан шартномалар имзоланиб, қурилиш ишлари бажарилмоқда. Рақамли технологиялар ёрдамида онлайн режимда сув сарфи ва сатҳи, минераллашганлик кўрсаткичлари мониторингини юритиш орқали ерининг мелiorатив ҳолатини баҳолаш аниқлиғи 20 фoиз оширилди.

Жорий мавсумда Исфайрам-Шоҳимардон ирригация тизими бошқармаси балансидаги битта йирик гидротехник иншоот автоматлаштирилиши ҳисобига сувнинг техник йўқотилиши 10 фоизгача камайди.

Канал ва иншоотларни реконструкция қилиш, таъмирлаш орқали мавжуд сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга қаратилган хорижий инвестиция миқдори ҳам ортиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўзида бу мақсадлар учун 7 миллион доллар миқдоридagi сармоя ўзлаштирилди. Бунинг ҳисобига 7 километр канал бетон қилинди. Олти километр сув ўзларига таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди. Айни кунда янги Аввал-Логон насос станциясини қуриш, Исфайрам-Шоҳимардон насос станциясини реконструкция қилиш борасида тизимли ишлар давом этиляпти.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Бугунги кунда ҳудудларда “маҳалла еттилиги” тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш борасида ҳам фаоллик кўрсатляпти. Фуқароларга имтиёзли кредит, субсидия ва ер майдонлари ажратишда кўмак берапти.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ҳаётта таъбиқ этилган илк кунларда Навоий вилоятида 13 мингта камбағал оила бор эди. Камбағаллик даражаси эса 6 фоизни ташкил этган. Ўтган даврда 7 минг оила камбағалликдан чиқарилди. Бу жараёнда, асосан, “маҳалла еттилиги” фаолиятига таянимоқда.

— Маҳалламизда 8 мингдан зиёд аҳоли бор. Уларнинг аксарияти кўп қаватли уйлarda истиқомат қилади, — дейди Навоий шахридаги Тараққиёт маҳалласи раиси Зарина Ражабова. — Маҳалламизни қисқа вақтда тўлиқ камбағалликдан холи ҳудудга айлантиришни режа қилганмиз. Аҳоли турмуш тарзи учун барча инфратузилма яратилган. Йўлларимиз равон. Кексаларимиз дуоғўй, ёшларимиз фаол, тадбиркорларимиз ташаббускор. Ҳар бир фуқаро “Менинг маҳаллам — менинг уйим” гоёси билан яшамоқда. Ана шундай ахиллик туфайли “Обод маҳалла, обод кўча,



“ЕТТИЛИК” САМАРАСИ:

ҲАР ХОНАДОНДА ДАРОМАД, ҲАР КўЧАДА ҲАРАКАТ

обод хонадон” кўрик-танловининг шаҳар ва вилоят босқичида голиб бўлди. “Маҳалла еттилиги” фуқаролар билан доимий мулоқотда ва уларга яқин кўмакдош бўлиб ишляпти. Хонадонбай ишлаш тизими аҳолининг ижтимоий аҳволини ўрганиш ва масалалари-



ни ижобий ҳал этишда самара бермоқда. “Еттилик” таркибидаги ҳоким ёрдамчиларига аҳолининг тадбиркорликка ўргатиш, ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаб, камбағалликни қисқартириш вазифаси юклатилган. Тараққиёт маҳалласининг асосий

драйвери савдо ва хизмат кўрсатишдир. Жорий йилда ушбу маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси ташаббуси билан янги лойиҳалар амалга ошди. Масалан, Рамазон Жалилов кўп қаватли уй ертўласида тажриба сифатида кўзқорин етиштира бошлади. Ушбу янги йўналиш ҳозир яхши даромад манбаига айланган.

— Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш учун 2025 йилнинг ўн ойида 42 та лойиҳа учун кредит ва 10 фуқарога субсидия ажратилди, — дейди Тараққиёт маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Фарҳод Алиқулов. — Шунингдек, 26 та микролойиҳа ишга туширилиб, 87 та янги иш ўрни яратилди. 22 хотин-қизга 756 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ёшлар баланси асосида 954 ёшнинг бандлиғи ва ижтимоий ҳолатига кўра “Индивидуал ишлаш тизими” шакллантирилди. Умуман, 2025 йилнинг ўзида маҳалламизда хизмат кўрсатиш ва савдо йўналишлари бўйича 70 га яқин янги тадбиркорлик субъекти ташкил қилинди. Хонадонма-хонадон юриб, аҳолининг имконияти ўрганилиб, тадбиркорлик қилишга кўмак берилляпти.

Маҳалланинг яна бир тадбиркори Мафтун Ҳакимова уй жиҳозлари ишлаб чиқармоқда. У 20 дан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаган. Ушбу маҳаллада яшовчи Латофат Ҳусанова эса миллий кўйгирчоқ устаси сифатида танилган. Аввалги хонадондан бошланган кичик лойиҳа бутун кенг қўлоқ ёзмоқда.

— Фаолиятимни бошлаганимда тадбиркорлик учун ҳозиргидек имконият ҳам, шaroит ҳам йўқ эди, — дейди хунарманд

Латофат Ҳусанова. — Ҳозир эса тадбиркор бўламан деган инсонга имконият катта. Айни вақтда маҳалламиздан бошқа ҳудудларда ҳам миллий кўйгирчоқлар яшаш устaxonаларини ташкил этганмиз. Ҳар бир филиалимизда 5-6 киши иш билан банд, Шунингдек, Навоий шахридаги касбий кўйникмалар ва тадбиркорлик марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Хунар ўрганиш истагидаги хотин-қизларни бепул ўқитамиз. Бундан ташқари, ногиронлиғи бўлган ва бола парварлишида банд аёллар билан касаначилик асосида ишляпмиз.

Тараққиёт маҳалласида яшовчи Дияра Қосимова яқингача тикувчилик қилар, санок-лигина буюртма бажариб, рўзгор тебратарди. У “маҳалла еттилиги” тавсияси ва кўмаги билан янги лойиҳага қўл урди. Кўп қаватли уй ертўласида аёллар ва эркеклар учун пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона очди. Ҳозир имтиёзли кредит асосида харид қилинган замонавий технология ёрдамида сифатли пайпоқлар ишлаб чиқармоқда.

Сўнгги йилда ҳудудда жиноятчилик даражаси сезиларли камайдди. Бу профилактика инспектори ва маҳалла фаолларининг ҳамкорлиғи самарасидир. Маҳаллада “ҳаф гуруҳи”га кирувчи шахслар билан мунтазам индивидуал суҳбат ва оилавий маслаҳатлар ўтказиб бориляди. Натижада маҳалла жиноятчиликдан холи ҳудудга айланди.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

нафақат вилоятдан, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан, қўшни давлатлардан ҳам беморлар келиб, дардига шифо топмоқда.

— Илгари ҳам ўзимизнинг Душанбе шаҳридаги марказий шифохонада юргюғим операция қилдиргандим. Бунга анча йил бўлди, — дейди тожикистонлик Баҳодир Раҳмонов. — Лекин кейинчалик яна бевоз- талана бошладим. Аҳволим ёмонлашди. Танишларим шу шифохонадаги шароит ҳақида жуда яхши фикрларни айтди. Кели- би, тиббий қўриқунд ўтдим. Шифокорлар аҳволиمنى ўрганди. Юргюғимнинг клепани-

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



“101” фильмида 1941 йили Смоленск яқинида асирга тушиб, кейинчалик Нидерландиянинг Амерсфорт концлагерига жўнатилаган 101 нафар ўзбек йигитининг фожияли қисмати ҳикоя қилинади. Бу йигитлар нацистлар раҳбари Йозеф Геббельснинг буйруғига биноан немис тарғиботи учун махсус танлаб олинади. Фашистлар улар орқали “совет асирлари оч ва ожиз” деган тасаввурни яратишни мақсад қилади. Шу ниятда асирлар қасддан узоқ вақт оч қолдирилади. Сўнг тасвирга олиш ишлари бошланиб, уларнинг олдига бир дона нон иргитилади. Бирок воқеалар ривожини душман кутганидек тус олмайди. Очликдан силласи қуриган йигитлар бир лаҳза жим қолади, сўнг улардан бири нонни эҳтиёткорлик билан олиб, тенг бўлақларга бўлади ва ҳар бир асирга ўз улушини узатади. Ҳеч ким нон талашмайди, ҳеч ким бировнинг ҳақиқа кўз олайтирмайди.

ТАОМ

ейиш беллашувлари:

СОВРИН

СОҒЛИҚДАН

УСТУН ЭМАС



Ушбу фильмда бир бурда нонга қаноат қилган қаҳрамонларимиз ўз қадриятини, сабр ва шукрини ҳаётий мезон деб билган миллат қиёфасини намоян этади. Афсуски, сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда тарқалаётган айрим ҳолатлар бу азалий қадриятларга зид келмоқда. Овқат ейиш мусобақалари, “ким кўп ейди” қабилдаги беллашувлар ҳамда пул тикиб ўтказиладиган “хўрандалар баҳси” каби жараёнлар на қаноатга ва на маданиятимизга мосдир. Видеоларларда камиди ўн кишилик ошнинг тўрт киши паққос тушираётганига кўзингиз тушади. Бу ҳолат эндиликда бошқа таомларга ҳам қўйган: бюртма сомсадан тортиб, товоқ-қўчоқ гўштхўрликкача, ҳатто қурт ва банан ейиш борасида баҳслашаётганларнинг видеолари кўпайиб бормоқда. Энг хавотирлиси, атрофда бу жараёни завқ билан томоша қилаётганларнинг аксарияти ёшлардир. Бу каби ҳолатлар гарчи шахсий танлов сифатида оқланса-да, тобора оммалашиб бораётгани сабабли жамиятнинг маънавий муҳитига таъсир этмай қолмайди.

Биринчи навбатда, бундай беллашувлар инсон соғлиги учун жиддий ҳавф туғдиради. Овқатни меъридан ортқ истеъмол қилиш нафақат ошқозон ва ҳазм тизимига зарар

етказди, балки унинг узоқ муддатли асоратлари семизлик, қандли диабет, юрак-қон томир касалликлари каби оғир хасталиқларга сабаб бўлиши мумкин.

Демак, бу кўнгилочар кўринишдаги шоу-мусобақада ғолиб деб топилган иштирокчи аслида мағлубдир. Чунки кўлга киритиляётган арзimas соврин унинг учун энг катта бойлик саналиши саломатлиги эвазига қозонилмоқда.

— Мусобақалашиб овқатланиш кўпична стресс, руҳий безовталик ёки хавотир ҳолати билан боғлиқ бўлади. Бундай пайтда инсон ҳиссиётларга берилган ҳолда ортқча ва тез-тез овқат ейиши мумкин, — дейди гастроэнтеролог Нодир Ғозиев. — Бу ҳолат, яъни буюб овқатланиш инсон организмига катта зарар етказди. Таом меъеридан зиёд

миқдорда қабул қилинганда меъда деворлари сунъий равишда чўзилади. Натижада ҳамжараёни секинлашади, қоринда оғирлик, дам бўлиш ва оғриқ каби нохуш аломатлар пайдо бўлади. Агар бу ҳолат мунтазам такрорланса, вақт ўтиши билан меъда шиллиқ қавати шикастланиб, гастрит, рефлюкс, ҳатто меъда яраси ривожланиши мумкин. Бўкиб ейиш оқибатда организм керагидан ортқ калория тўплайди. Ушбу калориялар ёғ кўринишида жамланиб, семизлик, қандли диабет ва юрак-қон томир касалликлари олим келади. Шунингдек, ортқча овқатланиш қон босими ошиши, юракда оғриқ ва нафас қисилиши калибилари ҳам келтириб чиқаради.

Шу боис, овқатланиш маданиятига риоя қилиш, эҳтиётга яраша ва хотиржам ҳолда таомланиш жуда муҳим. Овқат етарли

миқдорда, тинч муҳитда ва шошилмасдан ейилганда ҳам тизими соғлом ишлайди, организм ортқча юкланишдан ҳимояланади ва умумий соғлиқ барқарор сақланади.

Бундан ташқари, бу каби овқатланиш мусобақаларининг инсонга ижтимоий ва психологик таъсири ҳам жиддий мавзудир. Беллашувларнинг шоу тарзида ташкил этилиши ва ижтимоий тармоқларда кенг тарқалиши, айниқса, ёшлар онгига нотўғри дунёқарашни шакллантириши мумкин. “Кўп ейиш” орқали эътибор қозониш ёки моддий муқофот олиш гоёси қадриятларга зид бўлиб, жамиятда меъёрсизлик ва исрофгарчиликни тарғиб қилади. Шу боис, бундай шоу-мусобақаларга нисбатан соғлом тафаккур ва масъулиятли ёндашувни шакллантириш долзарб аҳамиятга эга.

— Овқат ейиш мусобақалари ҳозирги кунда оммавий маданиятнинг ажралмас қисмига айланмоқда, — дейди психолог Назоқатон Йўлчибеова. — Кўплаб йирик медиа майдонлар ва интернет платформалари бу турдаги мусобақаларни тарғиб қилмоқда. Беллашувларнинг шоу ва кўргазмали кўринишда ижтимоий тармоқларда тарқалиши эса ёшлар онгига нотўғри руҳий моделлар шаклланишига замин яратиши мумкин. Иштирокчиларнинг санокли дақиқаларда юқори калорияли таомларни истеъмол қилиши кўпична “тезорлик” ва “жадаллик” рамзи сифатида кўрсатилади. Бу эса ёшларда соғлом овқатланиш тартиби бузилишига, ортқча истеъмол ва ёғ оқатлар сақланишига олиб келиши ҳеч гап эмас. Ижтимоий босимнинг ўрни ҳам сезиларли: “бошқалар каби қилиш керак”, “ундан нима кам” қабилдаги фикрлар инсоннинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Илмий нуқтаи назардан қараганда, бундай мусобақалар организмнинг табиий сигналларига зид ҳаракат қилиш демакдир. Табиий тўқлик ва тўйинганлик ҳисси сунъий равишда бузилади. Бу нафақат ошқозон-ичак тизими, балки бутун организм учун стресс манбаига айланади. Шу сабабли бундай мусобақалардан воз кечиш ҳамда парҳезли, сифатли овқатланишни асосий қоидага айлантириш мақсадга мувофиқ.

Дарҳақиқат, бугунги замонда озиқ-овқат мўл-қўл ва турфадир. Газаклар ва соуслар эса гени модификация қилинган маҳсулотлар ҳамда трансёлар ёрдамида янада лаззатли қилиб тайёрланган. Ғазли ичимликлар ва турли ширин шарбатлар иштаҳани очишга хизмат қилади. Шунга кўра, баъзан бир ўтиришда икки-уч хил таомни, унинг устидан салатлар,

мева шарбатлари ва ширинликларни ҳам истеъмол қилишимиз мумкин. Тўйларда эса бу ҳолат янада яққолроқ кўзга ташланади — таомларнинг сероб ва ранг-баранглиги одамни кўпроқ ейишга ундайди. Аммо шундай мўл-қўлчилик ва турли-туман егуликлардан фойдаланишда меъёрни сақлаш жуда муҳим. Агар етарли миқдорда таомланса, танимизга жабр қилмаймиз. Арастудан: “Сен нега сира касал бўлмайсан, бошқалардан фарқин нимада?” деб сўраганларида, у “Бошқалар ейиш учун яшайди, мен эса яшаш учун ейман”, деб жавоб берган экан.

Ачинарлиси шундаки, ҳозирги кунда ейиш учун баҳслашадиган, “мечкайлик” мусобақаси ишқибозлари сонин кескин ортиб бормоқда. Агар авваллари иштирокчилар, асосан, йўл-йўлакай тасодифан қатнашган бўлса, ҳозир бошқа шахарлардан ҳам ғолиб бўлиб, ижтимоий тармоқ “юлдузи”га айланиш орузидагилар ошхоналарга оқиб келмоқда. Бу қатлам орасида аёллар ва ёш болалар ҳам кам эмас.

Ижтимоий тармоқларда тарқалаётган видеоларда кўпична ошхона эгалари ғолибни тақдирлаш жараёнини тантанали тарзда ташкил этади. Бирок улар бу билан чекланиб қолмайди — янги, янада “қудратли” иштирокчиларни чорлаш орқали рақобат муҳитини қучайтиришга ҳаракат қилади. Бундай чорловларда турли манзилдаги ёки ёш тоифаларига мурожаатлар қилинади, ҳатто баъзан кимнингдир иззат-нафисига тегадиган ибора-лар ишлатилади. Натижада бу ҳолат шунчаки овқат ейиш беллашувидан кўра, ҳаёт-мамонт курашини еслатувчи қимматли юзага келтиради. Шу зайдда янги номзодлар ўз “шайни”ни ҳимоя қилиш ёки “зўрлигини исботлаш” ниятида ўша ошхонага йўл олади.

Агар шу турдаги “мечкайлик” мусобақалари оммалашарса ва уларнинг ғолиблари қаҳрамон сифатида тарғиб этилса, табиийки, уларга тақдир қилувчилар сонин ҳам ортиб бораверади. Аммо ўйлаб кўрайлик-чи: бу “чемпионатлар” ортида нималар ётибди? Ким ғолиб — инсонни ёки нафс? Аслида, бундай мусобақаларда инсон нафсининг ғалабаси намоян бўлади. Қатнашувчи овқатни эмас, аксинча, ортқча овқат унинг соғлигини, умрини “ёб қўйиши” мумкинлигини англаши керак. Шунин унутмайлик: овқатланганда қорнимиз эмас, аввало, кўнглимиз тўлсин.

Шухрат НОРМУРОВОД,
журналист